НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.T.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЙИДМУРОДОВ МИРЗОХИД МИРЗАРАХИМОВИЧ

ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРУВ ҚУРИЛМАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

УЎК 677.022.48

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Сайидмуродов Мирзохид Мирзарахимович
Пневмомеханик йигирув қурилмаси конструкциясини такомиллаштириш масалалари.....3

Сайидмуродов Мирзохид Мирзарахимович
Вопросы совершенствования конструкции пневмомеханического прядильного устройства..... 21

Sayidmurodov Mirzokhid Mirzarahimovich
Questions of improving the design of the rotor spinning device 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 42

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.T.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЙИДМУРОДОВ МИРЗОХИД МИРЗАРАХИМОВИЧ

ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРУВ ҚУРИЛМАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T742 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдувахидов Мубашширхон** техника фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	**Джураев Анвар Жураевич** техника фанлари доктори, профессор
	Эркинов Зокиржон Эркинбой ўғли PhD, доцент
Етакчи ташкилот:	**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабр соат 9^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 228-76-757, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти, 3-ўқув биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 428-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «7» декабрдаги 53-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

Қ.М.Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тўқимачилик саноатида пневмомеханик йигирув машиналарини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунёнинг ривожланган давлатлари тўқимачилик саноати томонидан 68 % пахта толаси, 22 % кимёвий тола, 11 % жун толаси, 1,6 % луб толалар ва 1,5 % бошқалар турдаги толаларни ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олсак»[1], пневмомеханик усулда сифатли ип ишлаб чиқарадиган пневмомеханик йигирув машиналарини такомиллаштириш, дунё миқёсида тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш мақсадида ипларни йигириш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан йигирув саноатида иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида йигирув машиналарининг ишчи тезликларини ошириш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, корхоналарида сифатли, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган йигирилган ипларни ишлаб чиқариш ва уларни тайёр буюмларгача етказиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш тўқимачилик саноатни ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш, пневмомеханик усулда ип ишлаб чиқаришни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пневмомеханик йигирув машиналари ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг айланишлар частотасини оширмаган ҳолда ип шакллантириш тезликларини ошириш ва пировард натижада электр энергияси сарфини камайтириш, ипнинг бурам коэффициентини камайтириш, шунингдек, ишчи тезликларни оширилиши янги усуллар билан ип олишда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси масалаларини, хусусан машинани юргизиш ва тўхтатиш вақтида ипга бурам бериш масалалари юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Рақобатбардошлик даражасини кўтаришга эса фақатгина ишлаб чиқаришнинг илғор технологик жараёнларига мос равишда янги замонавий технологик жиҳозларни қўллаш

---

[1] https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

орқали эришиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[2]. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ип шакллантириш усулларини классификацияси, назарияси ва технологиясига оид айрим саволларни аниклаштириш, хамда ип хосил килишнинг янги усуллари ва ип шакллантириш пишитиш иш органлари конструкцияларига оид йигилган маълумотларни тизимлаштириш ва технологик жихатдан модернизациялаш мухим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февраль, «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон сонли Қарори ва 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Ҳозирги кунда ип йигириш корхоналарини қисқартирилган технология бўйича замон талабларига, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган янги BD -330, BD 480 (Чехия), Autocoro-380, Autocoro-480, (Германия), RU-40, R-60, R-66, (Швейцария), ITQ-100 (Франция), Toyota (Япония) пневмомеханик йигириш машиналари билан жиҳозланмоқда. Пневмомеханик йигириш машиналари конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Saurer Allma (Германия), Cheh Saurer (Чехия), Rieter (Швейцария), Zhejiang RIFA Textile Machinery Co., Ltd., (Хитой), TONGDA (Хитой), Savio (Италия) каби тўқимачилик машинасозлиги компаниялари, А.Н. Косыгин номидаги Москва Давлат тўқимачилик институти, Санкт-Петербург Давлат технология ва дизайн университети, Иваново Давлат тўқимачилик академияси (Россия), Витебск Давлат технология университети (Беларус), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Наманган муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон)да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пневмомеханик йигириш машиналари иш унумини ошириш, технологик кўрсаткичларини мақбуллаш, ишчи механизмларни янги конструкцияларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш билан ҳорижда Р.В. Киселев, М.М.Асташев, Л.Л.Нагаева, Л.К.Замаховский, Bin Gang Xu, Xiao Ming Tao, A.Barilla, J. Vigo, E.Kirscher, H.Kubica, Г.В. Башкова, В.И.Власов ва бошқа

олимлар шуғулланишган. Ипнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида йигирув машиналарини ишлаб чиқиш ва иш сифатини яхшилаш бўйича Дж.С.Оуэн, Р.Ауэрбах, П.Нордон, В.Вайлерс, В.А.Ворошилов, Г.В.Соколов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Пневмомеханик йигириш машиналарини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.Г.Севостьянов, Ж.Бруске, С.Г.Зарецкас, В.Е.Мортон, Х.Соммер, В.А.Усенко ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда пневмомеханик йигириш машинасида табиий ва кимёвий толалардан ип ишлаб чиқариш технологик жиҳоз ва жараёнларини такомиллаштириш, кинематик параметрларини меъёрлаштириш, конструктив ва эксплуатацион хусусиятларини ошириш бўйича тадқиқотлар Қ.Ж.Жуманиязов, М.Абдувахидов, Б.М.Мардонов, А.Д.Джураев, Ж.Қ.Ғофуров, Қ.Ғ.Ғофуров, С.Л.Матисмаилов, З.Э.Эркинов, Ж.Қ.Юлдашев, Х.Х.Хайдаров, Ш.А.Қорабаев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Пневмомеханик йигириш машинасида ипнинг сифатини ошириш ва ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан ип йигиришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси ва пневмомеханик йигириш усули билан олинган ипнинг бурам коэффициентини камайтириш усуллари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Технологик машина ва жиҳозлар” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Пневмомеханик усулда ип йигиришда, сохта бурам бериш вьюрогининг динамикаси масалаларини тадқиқ қилиш ва ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг янги конструктив ечимларини топиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пневмомеханик йигирув машинасининг конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

пневмомеханик усулда ип йигириб олишда унинг структурасини белгилайдиган ип шакллантириш технологик жараёнларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш;

пневмомеханик йигириш жараёнида ипнинг бурамлар коэффициентини камайтириш йўлларини топиш;

сохта бурам беришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг динамикаси масалаларини тадқиқ қилиш;

сохта бурам бериш вьюрогининг янги конструктив ечимларини топиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш;

қабул қилинган ечимларни тажриба стендида тадқиқ қилиш, ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг ва бурам бериш органининг конструктив кўрсаткичларини мақбуллаштириш;

электр энергияси сарфини сезиларли камайтириш имконини берадиган пневмомеханик йигирув машиналарини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Пневмомеханик йигирув машиналари, пневмомеханик йигириш машинасидаги толалар қатламидан ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкциялари, ипни шакллантириш-пишитиш қурилмаси ёрдамида олинган ипларнинг хосса кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Ип шакллантириш-пишитиш қурилмасида ипнинг шаклланиши, янги такомиллаштирилган сохта бурам бериш вьюрогининг ишлаши, ипда бурамларни бир текисда тақсимланиши жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Тадқиқотларда тўқимачилик материалларини синаш, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларидан, компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган ҳамда иплар сифатини баҳолашнинг замонавий ўлчов асбоблари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

пневмомеханик йигириш машинасининг ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси учун янги соҳта бурам бериш вьюроги қурилмаси ишлаб чиқилган ҳамда унда олинган ипнинг ҳаракат қонунияти асосида йигириш жараёни такомиллаштирилган;

пневмомеханик йигиришнинг барқарорлашмаган иш режимларида ип шакллантириш-пишитиш қурилмасини ўрнатиш орқали машинани юриши ва тўхтатишида соҳта бурам бериш жараёнининг динамикасини математик моделлари қурилган;

ип йигиришнинг пневмомеханик усулида ип сифатини ошириш учун янги ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган сохта бурам бериш вьюрогини машинанинг ип шакллантириш қисмига қўллаб шаклланаётган ипнинг ҳаракат тенгламаси ишлаб чиқилган ва ҳаракат траекторияси аниқланган;

тажрибада кўп омилли режалаштириш натижалари асосида олинган ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг муқобил параметр қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

сохта бурам бериш принципини қўллаб, ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси айланиш частотаси ва электр энергияси сарфини оширмай, ип шакллантириш тезлигини сезиларли оширишни таъминлайдиган ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

сохта бурам бериш қурилмасини ўрнатилганда электр энергияси сарфини 10 % гача камайтириб, ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкциясида сохта бурам бериш принципини қўллашда ип шакллантириш тезлигини сезиларли, 15 % га, ошириш имкони борлиги олиб борилган амалий тадқиқотларда аниқланган;

пневмомеханик йигиришнинг барқарорлашмаган иш режимида ипга бурам беришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг динамик

математик моделлари қурилди ҳамда уларнинг адекватлиги амалда тажрибалар орқали исботланган;

ипга бурам беришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг динамик математик моделларининг ЭҲМ да таҳлил қилиш асосида, юргизиш даврини камайишини ва юргизишда максимал бурам бериш қийматини таъминловчи, пневмомеханик йигириш машинасининг конструктив параметрларини ўзгартириш имкони борлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пишитилган ипларни тайёрлаш техника ва технологиясининг математик моделлари қурилганлигига, улар ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари таҳлили ва моделлаштириш натижаларининг тажрибавий маълумотлар билан таққослашга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пневмомеханик йигириш машинасида бир вақтни ўзида камеранинг ип ҳосил бўлиш қисмида сохта бурам беришни қўллаш ва шаклланган қисмини чўзиш, нисбатан кам бурам коэффициентда ипнинг пишиқлигини камайтирмасдан ипнинг чиқиш тезлигини ошириш қонуниятини аниқланганлиги, ип шакллантириш-пишитиш қурилмасини такомиллаштирилганлиги ва уни ҳисоблашнинг назарий асослари яратилганлиги, ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси тадқиқ этилганлиги ва математик моделлари тузилганлиги, такомиллаштирилган ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг математик моделларидан ва тажрибавий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда унинг асосий технологик ҳамда кинематик кўрсаткичларини мақбуллаш катталиклари аниқлангангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мавжуд пневмомеханик йигириш машиналарининг ассортимент ва технологик имкониятларини тадқиқ этиб, уларнинг камчиликлари асосида янги конструкцияли ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси яратилганлиги, янги қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида пневмомеханик йигириш машинасининг унумдорлигини оширишга эришилганлиги, пневмомеханик усулда йигирилган ип сифатига таъсир этувчи омилларни бошқариш, янги такомиллаштирилган ип шакллантириш-пишитиш қурилмасида бурамларни бир текисда тақсимланиши учун ипнинг ҳаракати назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда бу тажрибалар натижаларида ўз исботини топганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда янги конструкцияли ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

янги пневмомеханик йигириш машинасига қўлланган ип шакллантириш-пишитиш конструкцияли қурилмаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига қарашли «GULSUM-TEKSTIL» МЧЖ ва «AHSIN» МЧЖ тўқимачилик корхоналарида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрдаги 03/14-3054-сон маълумотномаси);

Наманган вилоятидаги тўқимачилик корхоналаридаги пневмомеханик йигирув машиналари ип шакллантириш-пишитиш қурилмаларига сохта бурам бериш вьюроги жорий этилганда (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрдаги 03/14-3054-сон маълумотномаси) электр энергияси сарфини 10% гача камайиши, ип шакллантириш тезлигини 15% га ортиши ҳисобига иш унумдорлигини ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ЭҲМ учун дастурларга 2 та муаллифлик гувохномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ип шакллантириш ва пишитиш усулларини ривожлантириш масалалари**» деб номланган биринчи бобида пневмомеханик усулда ип йигириш техника ва технологиялари чуқур ўрганилган. Шунингдек, пневмомеханик йигириш машиналарини ип шакллантириш-пишитиш қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил қилинган.

Пневмомеханик йигириш машинасида ипнинг сифатини ошириш ва ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан ип йигиришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси ва пневмомеханик йигириш усули билан олинган ипнинг бурам коэффициентини камайтириш усуллари мукаммал ўрганилмаганлиги аниқланган. Ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкциясини

такомиллаштириш орқали ипнинг бурам коэффициентини камайтириш, жаҳон андозаларига мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш мазкур диссертация олдига қўйилган масалалар ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Пневмомеханик йигиришда сохта бурам бериш вьюроги динамикаси тадқиқи»** деб номланган иккинчи бобида бурам коэффициенти кам бўлган ипни олиш имконини берувчи сохта бурам бериш қурилмаси динамикаси масалалари бўйича назарий тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқот ишида ипнинг таранглиги сохта бурам бериш вьюроги сиртининг шакли ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида сохта бурам бериш вьюрогининг шакллантирувчи ва йўналтирувчи сиртларида сирпаниб ҳаракатланаётган ип таранглиги ўрганилди.

Ип таранглигини ҳисоблаш учун якуний тенглама топилди:

$$T_2 = T_1 exp\left\{f \int_{s_1}^{s_2} k(s)ds\right\} \qquad (1)$$

Ипнинг сохта бурам бериш органининг йўналтирувчи сиртдаги солиштирма босимни ва ейилишни тадқиқ этилди. Ишчи органларнинг ейилиши нотекис характерда содир бўлади ва ипнинг сиртга таъсир этаётган солиштирма босими ортиши ҳисобига ип билан йўналтирувчи орасидаги контакт узунлиги ортиши натижасида ейилиш ошади. Босимнинг бошланғич ва охирги қийматлари орасидаги фарқ сезиларли катта бўлиши мумкин ва ўзаро таъсир параметрларига боғлиқ бўлади. 2-расмда ипнинг цилиндрик сиртга солиштирма босими эпюраси келтирилган.



1-расм. Ипнинг исталган кесимидаги таранглиқни аниқлаш схемаси



2-расм. Ипнинг цилиндрик сиртга солиштирма босими эпюраси

Сохта бурам бериш назарияси асосида, қисқичларда сирпаниш мавжудлигида шаклланаётган ипга сохта бурам бериш вьюроги томонидан ҳақиқий бурам бериш имкониятини тасдиқловчи назария яратилган. Бу тадқиқотларда, машинани юргизиш режимида, ипнинг бурамлар сонини сохта бурам бериш вьюрогигача ва вьюрокдан кейинги участкаларидаги ҳамда тортувчи жуфтлик ва тайёр ипнинг жойламаси орасидаги бурамнинг вақтга нисбатан аналитик боғланишлари келтирилган.

3-расмда кўрсатилган сирпаниш катталигини бурамга боғлиқлик графигидаги 1-чизиқ $m = const$ бўлгандаги холга, 2-чизиқ сирпаниш

катталигини бурам K_1 га тахмин қилинаётган эгри чизиқли боғланишига, 3-синиқ чизиқ эса қабул қилинган тўғри чизиқли боғланишга мос келади.



3-расм. Сирпаниш катталигини бурамга боғлиқлигини графиги



4-расм. Шакллантириш-пишитиш қурилмасининг ҳисоб схемаси

Кўрилаётган участкаларнинг схематик кўриниши 4-расмда келтирилган. Бу ерда 1 ва 2-биргаликда ростланувчи сирпанувчи қисқични ҳосил қиладиган-вакуум ва қисувчи валикка мос келади, 3-тортувчи жуфтлик, 4-вьюрок, l_1 ва l_2 лар ипнинг биринчи ва иккинчи участкаларининг, яъни ипнинг мос равишда вьюрокгача ва вьюрокдан кейинги участка узунликлари.

Ипнинг бурамлар сони ортирмасини унинг мос участка узунлигига нисбати бурамнинг ортирмасини билдиришлигини инобатга олиб, биринчи участка учун қуйидаги дифференциал тенгламани ёзиш мумкин:

$$DK_1 = \frac{-n-k_1-mv}{l_1}\,dt \qquad (2)$$

Ип учини сирпаниши бўлмаганда, биринчи участкасидаги бурам ифодасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$K_{11} = -K_0\left[1-\theta_1 e^{-\frac{vt}{l_1}}\right] \qquad (3)$$

(3) дан кўриш мумкинки, жараён бошида $t=0$ ва бурам K_{11} мусбат ҳамда қиймат жиҳатдан номинал бурам K_H га тенг бўлади. Вақт ўтиши билан K_{11} экспонента бўйича камаяди ва вақтнинг қайсидир t_0 моментида нолга тенг бўлади ва абсалют қиймати буйича ўсиб боради.



5-расм. Бурамни вақтга боғлиқлик графиги

Вақтнинг қайсидир t_{1c} моментигача манфийлигича қолиб, бурамнинг $K_{11} = K_{1c}$ қийматига мос келганда, юқоридаги кўрсатиб ўтилган шартларга биноан ип учини сирпаниши бошланади. (5-расм, 11 чизиқ).

Интеграл доимийсини аниқлаш учун қуйидаги бошланғич шартлардан фойдаланилади:

$$t = t_{1c} \text{ бўлганида } K_{12} = K_{1c}$$

Интегралаш доимийсининг қийматини ўрнига қўйиб ва ўзгартиришлар киритиб, қуйидаги ифодани олинади:

$$K_{12} = -K_0\left[1 - \frac{k\frac{K_{1c}}{K_0}}{1+k}\right]\left[1 - \frac{(-K_0 - K_{1c})(K_0 - K_H)^{(1+k)}}{(-K_0 - kK_{1c})(K_0 - K_{1c})^{(1+k)}}\right]e^{-\frac{(1+k)vt}{l_1}} \quad (4)$$

Белгиланишлар киритилади:

У ҳолда (4) ни қайта ёзилади:

$$K_{12} = -K_0(1-\eta)\left[1 - \theta_1 e^{-\frac{(1+k)vt}{l_1}}\right] \quad (5)$$

Бу ип учининг сирпаниши мавжудлигида биринчи участкадаги бурамни ифодалайди. K_{12} бурамнинг вақт бўйича ўзгариши 5-расмда 12-чизиқ билан кўрсатилган.

Иккинчи участкадаги ипнинг бурамлар сони ортирмасини унинг узунлигига нисбати бурамнинг ортирмасини билдиришлигини инобатга олиб, иккинчи участкадаги бурам учун қуйидаги дифференциал тенгламани ёзиш мумкин:

$$dK_2 = \frac{(K_1 v + n - K_2 v)}{l_2}dt \quad (6)$$

$0 < |K_1| < |K_{1c}|$ ҳолатни кўриб чиқамиз. У ҳолда (8) тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$dK_{21} = \frac{-n\left(1-\theta_1 e^{\frac{vt}{l_1}}\right)}{l_2}dt \quad (7)$$

Бунда K_{21} -биринчи участкадаги ипнинг учини сирпаниши бўлмаганидаги иккинчи участкадаги бурам.

$\frac{n}{v} = K_0$ эканлигини инобатга олиб ва $\theta_z = \frac{l_1}{l_1 - l_2}\theta_2$ белгилашни киритиб, бу ерда θ_z юргизиш режимига бошланғич бурам ва иккинчи участкада сирпаниш ҳосил бўлгунигача вақтдаги ипнинг участкаларини узунликлари нисбатини таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент, у ҳолда ёзиш мумкин:

$$K_{21} = K_H e^{-\frac{vt}{l_2}} + K_0\theta_z\left(e^{-\frac{vt}{l_1}} - e^{-\frac{vt}{l_2}}\right) \quad (8)$$

t_{m1} нинг қийматини $K_{21}(t_{m1}) = 0$ шартдан аниқланади:

$$t_{m1} = \frac{l_1 l_2}{n l_1 - l_2} \ln \frac{l_2 K_0}{l_1\left(K_0 + \frac{K_0}{\theta_z}\right)} \tag{9}$$

K_{21} бурамнинг t_{m1} максимум моментини ва t_{1c} сирпаниш бошланиши вақт моментини солиштирилиши $t_{m1} > t_{1c}$ эканлигини кўрсатади. $K_{21}(t)$ функциянинг биз қабул қилган аниқланиш соҳаси $0 < |K_1| < |K_{1c}|$ га $0 < t < t_{1c}$ шарти мос келгани учун, функциянинг максимуми уни аниқланиш соҳасидан ташқарида жойлашади, ва $K_{21}(t)$ функция барча аниқланиш соҳаси бўйича бир хил ўсади. Бу 5-расмдаги 21-чизиқ билан тасвирланган.

t_{m2} учун топилган ифода қуйидагича бўлади:

$$t_{m2} = \frac{l_1 l_2}{v[(1+k)l_2 - l_1]} \cdot$$

$$\cdot \ln \frac{l_2(1+k\theta_{2c}K_0)}{l_1\left[K_H + K_0\eta e^{\frac{vt_{1c}}{l_2}} - K_0\theta_z e^{-\frac{vt_{1c}}{l_1}+\frac{vt_{1c}}{l_2}} + K_0\theta_z + K_0\theta_{2c}e^{\frac{vt_{1c}}{l_2}-\frac{(1+k)vt_{1c}}{l_1}}\right]} \tag{10}$$

Сохта бурам бериш мавжудлигида ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг математик моделларини қуриш мақсадида қўшимча ижозат ва белгиланишларни қабул қилинади:

1. Сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси P ўзгармас катталик.

2. Барқарорлашмаган режимда ипнинг бурамини биринчи соҳада $\frac{P}{v} = K_H$, иккинчи соҳада $\frac{\Pi}{v} = K_H$ ва учинчи соҳада $\frac{n}{v} = K_H$ деб қабул қиламиз.



6-расм. Тўхташда бурамни вақтга боғлиқлик графиги

3. Юргизишдаги вақт ҳисобини қуйидагича олинади: тутамларни таъминлаш учун ипнинг тескари йўналишдаги ҳаракати бошланадиган $t = 0$ ишга туширишни бошланиши, $t = t_1$ да ипнинг тескари йўналишдаги ҳаракати тўхтайди ва ипнинг учи йиғма юза билан контакга киради, $t = t_2$ ипни тўғри йўналишдаги ҳаракатини бошланиши ва сохта бурам бериш элементини айланишини бошланиши.

Тўхташда: $t = t_0$ –камерани таъминланиши тўхтатилиши;

$t = t_1$ –ипнинг учини камеранинг

йиғма юзаси билан контактини тўхташи;

$t = t_2$ –ип ҳаракатини ва сохта бурам бериш органини тўхташи ва тўхташни тугатилиши.

Юргизиш режимида масалани ечилишида бошланғич шартлар аввалги тўхташ билан шартланганлиги сабабли, олдин тўхташ режимини кўриб чиқамиз, яъни $t_0 < t \leq t_3$ даврни.

$t_0 < t \leq t_3$ даврда технологик жараёнда ўзгаришлар бўлмайди ва барча соҳадаги бурамлар барқарор-лашмаган режимдаги номинал бурамга тенг.

$t_3 < t \leq t_4$ даврда, биринчи соҳада ипнинг учи бўшаганлиги сабабли, барча соҳаларда бурамнинг ўзгариши содир бўлади.

Шундай қилиб, соҳалар бўйича ипнинг бурами тўхташнинг тугашидаги бурамларга тенг ва қуйидагини ташкил қилади:

$$K_{n31} = \omega_{n3} K_H \quad (11)$$

$$K_{n21} = \omega_{n2} K_H \quad (12)$$

$$K_{n11} = 0 \quad (13)$$

Юргизиш холатининг $t_1 < t \leq t_2$ билан чегараланган иккинчи даври учун тенгламаларнинг ечими бошланғич шарт $t = t_1$ да $K_{n02} = \omega_{n3} K_H$, $K_{n22} = \omega_{n2} K_H$ ва $K_{n11} = 0$ лигида қуйидагича бўлади:

$$K_{n32} = \omega_{n3} K_H \quad (14)$$

$$K_{n12} = K_{\text{П}} \left[\omega_{n2} + \frac{v(t-t_1)}{l_2} \right] \quad (15)$$

$$K_{n12} = \mu \frac{n}{l_1} (t - t_1) \quad (16)$$

Бу ечимлар $t = t_2$ да бурамлар учун қуйидаги ифодаларни ёзишга имкон беради:

$$K_{n32}(t_2) = \omega_{n3} K_H \quad (17)$$

$$K_{n22}(t_2) = K_H \left[\omega_{n2} + \frac{v(t_2-t_1)}{l_2} \right] \quad (18$$

$$K_{n12}(t_2) = \mu \frac{n}{l_1} (t_2 - t_1) = K_{n10} \quad (19)$$

Энди $t = t_2$ ни аниқловчи ишга туширишнинг учинчи, якунловчи даврини кўриб чиқамиз. t_2 моментда сохта бурам бериш вьюрогининг бир



7-расм. Юргизишда бурамни вақтга боғлиқлик графиги

вақтли таъсирни бошланиши билан ипнинг тўғри йўналишдаги ип ҳаракатининг бошланишига мос келади.

Бу ерда қуйидаги коэффициентлар қабул қилинган:

$$\omega_{n21} = \omega_{13}\frac{l_1}{l_1 - l_2}$$

$$\omega_{n31} = \omega_{n13}\frac{l_1^2}{(l_1 - l_2)(l_1 - l_3)}$$

$$\omega_{n32} = \omega_{n13}\frac{l_1 l_2}{(l_1 - l_2)(l_2 - l_3)}$$

Олинган математик моделлар асосида бурамлар K_{2m} ва K_{3m} нинг ва вақтлар t_{2m} ва t_{2m} нинг максимал катталикларини аниқлаш мумкин.

Бундан ташқари, юргазиш Y_0 ва тўхташ Y_n вақтидаги номиналдан берилган кичик катталик ΔK дан катта фарқланувчи, бурам билан ишланаётган ип узунлигини аниқлашимиз мумкин. *01, 02, 03* эгри чизиқлар тўхташдаги, n_1, n_2, n_3 эса ишга туширишдаги соҳалар бўйича ипнинг бурамлар ўзгаришига мос келади (6 ва 7-расмлар).

Диссертациянинг **“Сохта бурам бериш вьюроги конструкциясини мақбуллаш”** деб номланган учинчи бобида пишиқлиги ҳалқали йигиришдагидан кам бўлмаган, пневмомеханик ипни ишлаб чиқариш имконини таъминлайдиган ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструктив параметрларини аниқлашдан иборат.

8-расм. Тажрибавий стенд умумий кўриниши

Тадқиқот Наманган муҳандислик-технология институтининг “Технологик машина ва жиҳозлар” кафедраси илмий лабораториясида тайёрланган пневмо-механик йигириш машинасини тажриба стендида ўтказилган (8-расм).

Стендни барқарорлашган режимда 10 минут ишлатиб 40 та юргизиш амалга оширилган.

Ҳар бир юргизишдан олдин, аввалги пунктда келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, присучка қилинадиган учидан 1 м масофада, ипнинг кесимларида махсус бўёқ билан белги қуйилган ва кейинчалик юргизишдаги максимал бурам ўртасида белги қуйилган 0,25 м ли кесимларда аниқланган. Барқарорлашган режимда ишлаб чиқилган ипдаги бурамни ўлчаш учун, стендни юргизишдан кейин камида 5 минут давомида ишлатиш натижасида ишлаб чиқилган ипнинг 0,25 м ли бўлакларида олинган.

Сохта бурам бериш вьюроги каналининг буралиш бурчагини ўзгартириш тадқиқотида технологик жараёнга ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг қуйидаги конструктив параметрлари таъсирлироқ деб тахмин қилинди: айланиб турувчи сохта бурам бериш вьюрогини конуссимон винтли каналининг буралиш бурчаги φ рад, айланиб турувчи сохта бурам бериш вьюрогини айланиш частотаси ν,мин$^{-1}$, чиқариш қувурчаси ва айланиб турувчи сохта бурам бериш вьюроги ўрнига ўрнатилган, қўзғалмас сохта бурам бериш органини қисиш чизиқлари орасидаги масофа L, мм.

Омилларни аниқлаш соҳаси, фиксация нуқталари, омилларни ўзгартириш оралиқлари ва ўзгартириш сатҳлари 1-жадвалда келтирилган.

Ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси ишини характерловчи асосий параметрлар сифатида қуйидагилар танланди:

1. Ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси ёрдамида ишлаб чиқилган, бурам коэффициенти кам бўлган ипнинг нисбий пишиқлиги, гк/текс.

2. Соатига 1000 та йигириш жойига ҳисобланган, узилиш даражаси билан характерланадиган ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси ишининг барқарорлиги.

1-жадвал

Омилларни аниқлаш соҳаси, фиксация нуқталари, омилларни ўзгартириш оралиқлари ва ўзгартириш сатҳлари

Омиллар	Аниқланиш соҳаси	Фиксация-ланиш нуқталари	Вариация оралиғи	Вариация даражалари		
φ, рад	$\pi \dots 2{,}5\pi$	2π	$0{,}5\pi$	$1{,}5\pi$	2π	$2{,}5\pi$
ν, мин$^{-1}$	$0{,}5 \cdot 10^4 .. .2{,}75 \cdot 10^4$	$1{,}375 \cdot 10^4$	$1{,}375 \cdot 10^4$	$0{,}75 \cdot 10^4$	$2{,}0 \cdot 10^4$	$2{,}5 \cdot 10^4$
y, мм	25 … 60	48	15	40	*55*	70

Барча тажрибалар ипни чиқариш тезлиги v=49,6 м/мин да ўтказилди, бу эса худди шу шартларда R 40 пневмомеханик йигириш машинасини ип чиқариш тезлигидан 30% (v=39,8 м/мин) га ошиқ.

Чиқувчи параметрлар-ипнинг пишиқлиги ва узилишлар сонининг сохта бурам бериш органи каналининг буралиш бурчагига боғлиқлигини ҳисобга олиб қуйидагича хулоса қилинди. Унинг мақбул қиймати $\varphi = 2\varphi$ бўлиб, кейинги тажрибаларда унинг қийматини ўзгартирмаслик қарори қабул қилинди.

Сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси ν ни ўзгартириш тадқиқотида тажриба натижаларини қуйидаги тартибда бажарилди:

1.Тадқиқот тажрибаларидаги чиқувчи параметрлар ўртача қийматларини аниқланди.

2.Тажрибалардаги чиқувчи параметрлар дисперсияларининг қийматларини аниқлаймиз.

3. Смирнов-Грабс мезони ёрдамида чиқувчи параметрларнинг кескин фарқ қилувчи қийматларини текширилди.

9- ва 10-расмларда чиқувчи кўрсаткичлар ипнинг нисбий пишиқлиги (П) ва ипнинг узилишлари сони (О) ларнинг сохта бурам бериш вьюроги айланиш частотаси ν га боғлиқлик графиклари қурилган.



9-расм. Ипнинг нисбий пишиқлигини сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси ν га боғлиқлик графиги



10-расм. Ипнинг узилиш сонини сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси ν га боғлиқлик графиги

Шундай қилиб, 10-расмдаги графикдан кўриниб турибдики ипнинг нисбий пишиқлигини сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси ν га боғлиқлиқ экан. Сохта бурам бериш вьюрогининг айланиш частотаси ν ни ортиши билан ипнинг нисбий пишиқлиги ортиб боради. Сохта бурам бериш вьюрогининг айланишлар частотаси 5 баробар ортганда узилишлар миқдори тенг миқдорда ортиши кузатилади.

Мақбуллаштиришнинг умумлаштирилган параметрини қуриш учун Харрингтоннинг умумлаштирилган мақбуллик функциясидан фойдаланамиз. Мақбуллик функциясини иккита нисбий катталикларнинг кўпайтмаси кўринишида қурилиши технология талабларини – узилишлар сонини ортирмасдан ипнинг пишиқлигини ошириш ҳисобига унинг бурам коэффициенти пасайишини таъминлаш, етарлича аниқ ҳисобга олиш имконини беради.

Дастлабки тажриба ўтказиш учун қуйидаги омиллар танланди:

1. Сохта бурам бериш вьюрогини айланишлар сони n_v нинг йигириш камерасининг айланишлар сони n_k га нисбати, X_1 билан белгиланди:

$$X_1 = \frac{n_v}{n_k} \qquad (20)$$



11-расм. Мақбулликнинг умумлаштирилган функцияси

2 Сохта бурам бериш вьюроги қисиш чизиқлари орасидаги масофа L нинг ишланаётган тола штапел узунлиги $l_ш$ га нисбати, X_2 билан белгиланди:

$$X_2 = \frac{L}{l_ш} \qquad (21)$$

Сохта бурам бериш органи каналининг буралиш бурчаги φ катталигини ўзгармас ва, дастлабки тажрибада чиқувчи параметрларнинг энг яхши натижалари таъминланган, 2π га деб қабул қилиш қарори қабул қилинди.

Барча нуқталарда тажрибалар m=3 қайтарилиши назарда тутилган ва шунга мувофиқ қайта тажрибалар рандомизация режаси тузилди.

Дастлабки тажрибада П мақбуллаш параметрининг X_1 ва X_2 омилларга боғлиқлиги эгри чизиқли характерда бўлиши аниқлангани учун, дастлабки алохида тўла омилли тажрибани ўтказмасдан ва унинг натижаларини ишламасдан, тажрибаларни ўтказиш ва тажрибавий маълумотларни ишлашни бир босқичда амалга ошириш қарори қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Пневмомеханик йигиришда сохта эшиш вьюрогининг тажрибавий тадқиқи”** деб номланган 4-бобида пневмомеханик йигиришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси тадқиқотларида ипга сохта бурам назарияси асосида, шаклланаётган ипга сохта бурам бериш вьюроги томонидан ҳақиқий бурам бериш имкониятини тасдиқловчи асосланган холда, машинани юргизиш режимида, ипнинг бурамлар сонини сохта бурам бериш вьюрогигача ва вьюрокдан кейинги участкаларидаги ҳамда тортувчи жуфтлик ва тайёр ипнинг жойламаси орасидаги бурамнинг вақтга нисбатан аналитик боғланишлари кўриб чиқилган

Тадқиқотлар НамМТИ нинг “Технологик машина ва жиҳозлар” кафедрасида тайёрланган, пневмомеханик йигириш тажриба стендида конструктив параметрларни мақбуллаш бўйича экспериментлар ўтказилгандан сўнг “GULSUM -TEKSTIL” МЧЖ ва “AHSIN” МЧЖда ишлатилаётган R 40 пневмомеханик йигириш машинасида ўтказилди.

Ишга тушириш даврида “AHSIN” МЧЖ да ишлатилаётган R 40 пневмомеханик йигириш машинасида тадқиқ қилинган. Тажрибаларни ўтказиш учун ҳар бир машинанинг чап томонидаги биринчи 20 та йигирув жойи камераси танланган.

Шундай қилиб, юргизишдаги максимал бурам барқарорлашган режимдаги бурамдан 1,36 баробар каттароқ.

$k_э$=1,36 қийматни олдинги пунктда олинган k_m= 1,34 қиймат билан солиштирилиши шуни кўрсатадики, юргизишдаги максимал бурамнинг барқарорлашган иш режимидаги бурамга нисбат коэффициентининг ҳақиқий қиймати, акси кутилаётганига қарамай, унинг ҳисобий қийматидан тахминан 1,5% га каттароқ.

Ўтказилган таҳлил буни ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг математик модели тузилаётганда ипнинг чизиқли тезлиги ўзгармас деб қабул қилинганлиги, яъни $v = const$ билан боғлиқлигини кўрсатди. Аслида эса у юргизишда нол қийматидан v га тенг қийматгача ошади. Бу ҳолат

коэффициентнинг ҳақиқий қийматини назарий ҳисобланган ошганини изоҳлайди.

Сохта бурам бериш вьюрогини ўрнатиш натижасида пневмомеханик йигирув машинасидан чиқадиган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши ҳамда бу ўзгариш ҳисобига бурам бериш жараёнларини ўтказиш нисбатан енгиллашиши оқибатида технологик мақсадда сарфланаётган электр энергияси сарфи харажатлари тежалиши натижасида олинадиган йиллик иқтисодий самара 2665410 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Пневмомеханик йигириш қурилмаси конструкциясини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Йигиришнинг янги услубининг бир қатор назарий масалаларини аниқлаштириш ва таснифлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

2. Сохта бурам бериш усулини қўллаб, ипни шакллантириш қурилмасининг айланиш частотаси ва электроэнергия сарфини оширмасдан, ип шакллантириш тезлигини 15 % гача оширишни таъминлайдиган, сохта бурам бериш вьюроги конструкциясини яратиш имконияти борлиги назарий жиҳатдан асосланди ва экспериментал равишда тасдиқланди.

3. Сохта бурам бериш вьюроги қўлланилганда электроэнергия сарфини 10% гача камайтириб, ип шакллантириш тезлигини 15 % га ошириш имкони борлиги назарий жиҳатдан асосланди ва тажрибалар ёрдамида амалий тасдиқланди.

4. Барқарорлашмаган иш режимида ипни мустаҳкамлаш учун сохта бурам бериш вьюроги ўрнатилгандан сўнг ип шакллантириш қурилмасининг динамик математик моделлари қурилди, ҳамда уларни адекватлиги тажриба орқали исботланди.

5. Ишга тушириш даврини қисқаришини ва бу даврдаги бурамнинг энг катта қийматини пасайишини таъминловчи, пневмомеханик йигириш машиналарини конструктив параметрларини ўзгартириш имконияти борлиги, ип шакллантириш қурилмасининг динамик математик модели маълумотларини ЭҲМнинг махсус дастурлари ёрдамида қайта ишлаш орқали исботланди.

6. Пневмомеханик йигириш машиналари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик машинасозлиги заводларига сохта бурам бериш вьюроги ўрнатилган ип шакллантириш қурилмасининг янги конструкциясини қўллаш орқали пневмомеханик йигириш машиналари конструкцияларини модернизация қилиш тавсия этилади.

7. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида 1 та пневмомеханик йигириш машинасида сохта бурам бериш вьюрогини қўллаш орқали 2665410 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PHD.03/30.12.2019.T.66.01ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

САЙИДМУРОДОВ МИРЗОХИД МИРЗАРАХИМОВИЧ

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОНСТРУКЦИИ ПНЕВМОМЕХАНИЧЕСКОГО ПРЯДИЛЬНОГО УСТРОЙСТВА

05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические системы

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T742.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Абдувахидов Мубашширхон** кандидат технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Джураев Анвар Джураевич** доктор технических наук, профессор
	Эркинов Зокиржон Эркинбой угли PhD, доцент
Ведущая организация:	**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится «20» декабря 2021 года в 9^{00} часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 3-учебный здание, 3-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 428). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «7» декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 53 от «7» декабря 2021 года).

Р.М.Мурадов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Х.Т. Бобожанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М. Холиков
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время на мировой арене наблюдается высокий рост выпуска продукции текстильной промышленности. «В развитых странах мира текстильной промышленностью перерабатываются 68 % хлопка-волокна, 22 % химического волокна, 11 % шерсти, 1,6 % лубяного волокна и 1,5 % других волокон»[1], в связи с чем возрастает актуальность широкого внедрения в производство машин пневмомеханического прядения обеспечивающее выпуск качественной пряжи. Поэтому приобретает особое значение применение в текстильной промышленности энерго-ресурсосберегающих средств техники и устройств обеспечивающих высокие качества работы.

Одной из основных направлений работ научно-исследовательских учреждении текстильной промышленности в мире является повышение производственной эффективности путем повышения рабочих скоростей технологических машин. Такое состояние ясно наблюдается при пневмомеханическом способе прядения, которое широко применяется в нашей стране. В связи с этим современными требованиями является поиск нетрадиционных способов решения задач и создание новых машин позволяющих снижение затрат энергии при пневмомеханическом прядении и их реализация.

В нашей республике проводятся научные исследовании и получаются определенные результаты по вопросам снижения затраты энергии, снижения коэффициента крутки нити, а также динамики формировочно-крутильных устройств при высоких скоростях формирования нити, в частности, вопросы крутки нити во время пуска и останове пневмомеханических прядильных машины. Были отмечены важные задачи повышения степени конкурентоспособности внедрением нового современного технологического оборудования в передовые технологические процессы производства[2]. Для решения поставленных задач вопросы систематизации и технологической модернизации собранных сведений по классификации и уточнения отдельных сведении о способов формирования нити, теории и технологии новых способов и конструкции формировочно-крутильных устройств приобретает особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности» и № ПП-4453 от 16 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции», а

---

[1] https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

